



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 15 ноябрь, № 235 (8858)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ — УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

Президент Шавкат Мирзиёев 14 ноябрь куни касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволашга оид таклифлар тақдироти билан танишди.

Давлатимизнинг ижтимоий сиёсатида соғлиқни сақлаш соҳаси катта ўрин эгаллайди. Сўнгги етти йилда бу тизимга ажратилаётган маблағлар 6 карра оширилган. Олдин фақат Тошкентда ба-жарилган 400 дан ортиқ юқори техно-логик амалиётлар бугун вилоят ва ту-манларда ҳам ўтказилапти.

Касалликларни эрта аниқлаш мақса-дида онкология, эндокринология, кар-диоология марказлари ҳудудларда скри-нинг текширувлари олиб борапти. Ма-салан, 1 миллион 700 минг нафар аёл скрининг қилиниб, 49 мингга саратон олди касалликлари топилган. Бу йил ярим йилликда 122 минг нафар аҳоли-да юрак-қон томир ва қандли диабет эрта босқичда аниқланган.

Аҳоли саломатлигини сақлаш — узлуксиз жараён. Соҳадаги таҳлил ва талабдан келиб чиқиб, муҳим йўналиш-лар бўйича таклифлар тайёрланган. Тақдиротда шулар ҳақида сўз борди.

Маълумки, даволашдаги энг катта му-аммо — касалликнинг кеч юзага чиқи-ши. Шу боис Президентимиз ташаббу-си билан Қашқадарёда, тажриба тари-қасида, онкология бўйича ҳар бир эрта аниқланган ҳолат учун тиббиёт брига-даларига 2 миллион сўмдан мукофот бериш жорий қилинди. Натижада оила-вий шифокорлар ўз маҳалласидаги 51 нафар аёл ва болаларда шундай бел-гиларни аниқлади. Бунинг учун 102 мил-лион сўм мукофот пули берилиб, кеч босқичда сарфланадиган 8 миллиард сўм маблағ тежалган.

Тахлилларга кўра жами онкологик ка-салликларнинг ўртача 20 — 25 фоизи аёллардаги кўрак бези ва бачадон саратонига тўғри келади. Шу боис бу борада скринингларни кенгайтириш ва уларнинг реестрини юритиш режа-лаштирилмоқда.

Шунингдек, гематология, кардиоло-гия, эндокринология касалликларини

эрта аниқлаш ва уларни даволаш бўйи-ча уч йиллик дастурлар бу йил якунига етади. Мутасаддиларга эришилган на-тижаларни ҳисоб-китоб қилиб, уларнинг муддатини узайтириш бўйича кўрсатма берилди.

Тиббиёт муассасаларига марказлаш-ган ҳолда дорилар харид қилишда ҳам камчиликлар бор. Баъзи шифохоналар-да талабга нисбатан кам олинган бўлса, баъзиларида дорилар ортиб қолган.

Шу боис дори воситалари ва тиббий буюмларни ўн беш ойлик талаб асоси-да харид қилиш тизими таклиф этил-моқда. Бунда келгуси йиллар учун эҳтиёжлар 1 августдан кечикмасдан, Давлат бюджети параметрлари билан бир вақтда шакллантирилади.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вази-рлиги ҳузурида “Харидлар маркази” ва унинг 13 та ҳудудий филиали ташкил қилинади. Марказга 2025 йил 1 январ-дан бошлаб, оригинал дори воситала-ри ва ёппақ турдаги лаборатор ускуна-лар учун сарфлов воситаларини бево-сита ишлаб чиқарувчидан тўғридан-тўғри харид қилишга рухсат берилади.

Яна бир таклифга кўра донорларни қўллаб-қувватлаш кенгайтирилади. Жум-ладан, “Ўзбекистон Республикаси фах-рий донори” кўрак нишонин олганларга бирийўла бериладиган пул мукофоти ба-завий ҳисоблаш миқдорининг 5 бара-варидан 15 бараваригача оширилади. Уларга жамоат транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади, давлат сиҳатгоҳларида даволаниш навбатсиз бўлади.

Ушбу янги тизим келгуси йил 1 ян-вардан жорий қилиниши белгиланди.

Мамлакатимизда санитария ва фито-санитария чоралари бўйича Жаҳон сав-до ташкилотини хабардор қилиш тарти-бини йўлга қўйиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

ИХТИРОЧИ ВА ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Пойтахтимизда “Барқарор ривожланиш учун инновациялар” мавзуга бағишланган халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги очилди. “O‘zbekspomarkaz” конференциялар залида ўз ишини бошлаган мазкур ҳафталик Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан ташкил этилган бўлиб, расмий очилиш маросими куни кеча ўтди. Унда ҳукумат аъзолари, хорижий ва маҳаллий экспертлар, инновацион ғоя етакчилари ҳамда ёш иxtирочилар иштирок этди.



Юнус БУРИЕВ олган сурат.

«InnoWeek — 2024»

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Бош вазири-нинг ўринбосари Зу-лайхо Маҳкамова, Олий таълим, фан ва инно-вациялар вазирлиги Кўнғирот-бой Шарипов ва бошқа-лар ҳафталик хорижий ва миллий экспертлар, тах-лилчилар ўртасида илм-фан ва инновациялар со-ҳасидаги ислохотлар, эришилган ютуқлар ва

галдаги вазифалар юза-сидан фикр алмашиш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Хорижий илмий-инно-вацион марказлар, инве-стиция жамғармалари, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес инкубаторлар иштироки-да бўлиб ўтаётган мазкур тадбир мавжуд инноваци-

он технологиялар билан танишиш баробарида сармоядорларни жалб этиш ва ишончли ҳамкор-лар топиш учун қулай муҳит яратаетир.

Мазкур ҳафталикда Хитой, Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Германия, Жанубий Корея, Испания, Қозоғистон, Рос-сия ва Қирғизистон каби дунёнинг 30 га яқин дав-латларидан 150 дан ортиқ вакиллар, элчилар иштирок этмоқда.



Қонунчилик палатасида

ЛОЙИҲАДА ИЖТИМОЙ СОҶА УСТУВОР

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, соҳага Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб этиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш бўйича изчил ислохотлар олиб борилмоқда.

2025 йилги Давлат бюджети лойиҳасида ҳам барча соҳа қатори ижтимоий йўналиш-ларга кенг ўрин берилган. Хусусан, келгуси йил бюджет харажатларининг 52 фоизи ёки 178 трлн. сўми ижтимоий соҳа харажатла-рини ташкил этаётгани эътиборга молик.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Муҳокама давомида депутатлар бюджет сиёсатида аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, ижтимоий

ҳимояга ажратилаётган маблағларнинг ман-зиллилигини кучайтириш ва самарадорли-гини таъминлаш, бюджет ташкилотлари хо-димларининг иш ҳақи, пенсия ва нафақа-ларнинг ҳар йилги инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорларда ошириб бори-лиши халқ вакиллари томонидан ижобий баҳоланди.

Шунингдек, Давлат бюджети лойиҳасида кам таъминланган оилаларга “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали тўланадиган нафақалар бўйича амалдаги мезонларни та-комиллаштириш ва нафақаларнинг манзил-лилигини оширишга доир ишларни давом эттириш режалаштирилмоқда.



СЕНАТОРЛАР «МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ» ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари Андижон вилоятининг бир қатор туманларида “маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишди ва аҳоли муносабатларини ўрганди.

Ўрганиш

Учрашувларда асосий эътибор маҳалла-ларда криминоген вазиятни яхшилаш, “ма-ҳалла еттилиги” томонидан амалга ошири-лаётган ишлар ҳамда ҳудудлардаги куз-киш мавсумига тайёргарлик жараёнларига ало-ҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Сенат аъзолари Избоскан ту-мани масъуллари, “маҳалла еттилиги” ва-киллари ва ҳоким ёрдамчилари билан бир-галикда Гудур ва Тошлоқ маҳаллаларида бўлиб “маҳалла еттилиги”нинг жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир фаолиятини таҳлил қилди.

Ўрганишлар давомида “маҳалла еттили-ги”га аҳолининг муаммоларини маҳаллабай,

хонадонбай, фуқаробай тарзда кузатиб, са-марали ечим топиш ва маҳалла осойишта-лигини таъминлашда жамоатчилик вакилла-ри иштирокини фаоллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, сенаторлар аҳоли вакилла-ри билан учрашиб, уларни қийнаётган му-аммолар юзасидан мулоқотлар ўтказди. Шу жараёнда аҳоли вакиллари томонидан ҳудудларда куз-киш мавсумида суолти-рилган газ баллонлари баъзан вақтида ет-казиб берилмаслиги, ички йўллар таъмир-талаб бўлиб қолганилиги билдирилди.

Мурожаатларда кўрсатиб ўтилган маса-лалар сенаторлар томонидан кенг ўргани-либ, ҳокимлик мутасаддиларига тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».



18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси
Давлат байроғи қабул қилинган кун

МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ТИНЧ-ОСУДА ҲАЁТИМИЗ ТИМСОЛИ

Янги Ўзбекистон суверенитетини белгилайдиган рамзлар орасида давлат байроғи алоҳида ўрин тутади. Зеро, у халқнинг ўтмиши ва бугуни, мустақиллиги, тинчлиги ҳамда барқарорлигининг тимсоли ҳисобланади. Ер юзининг сарҳадларида мустақил Ўзбекистон давлати борлигини англатиб, ўзида миллий-маданий аъналаримизни муҳассамлаштиради.

Юсак дид ва катта ма-ҳорат билан пухта ишланган байроғимиз сайёрамиз мамлакатларининг давлат рамзлари орасида алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга са-завордир.

Буюк соҳибқирон бобо-миз Амир Темур давлат рамзларига алоҳида эътибор қаратган. Жанг майдонида бир лашкар омон қолса ҳам Ватан байроғини баланд туттишга фармон берган. Бу байроқ остида буюк эл бир-лашди, у барпо этган улуг салтанатни дунё тан олди.

Туғини жонидан ортиқ асраган Тўмарис, Спита-мен, Муканна, Темур Ма-лик, Амир Темур, Жалолид-дин Мангуберди каби ўнлаб саркардалар ҳаёти ҳам бугун авлодларимизга катта ибрат, десак, янглишмай-миз. Аслида Ватан байро-ғини кўзга суртиш, уни тўтиб қилиш шу тупроқ, шу заминни севиш, унинг учун жонини бағишлашга тайёр бўлиш дегани.

Шу боис ҳар сафар му-қаддас байроғимизга боқиб ўтмишию келажаги буюк, ос-

мони мусаффо, қалби пок, бағрикенг, вужудидан ҳаётий қудрат уфуриб турган тинч-ликларвар халқимизнинг улғувор қиёфасини, аждад-ларимиз заковатидан куч ол-ган буюк давлат қудратини ҳис этамиз.

Бугун БМТ биносида унга аъзо бўлган 193 мустақил давлат қатори Ўзбекистон байроғининг хилпираб тур-гани, 2018 йилдан яна бир халқаро тузилма — Туркий давлатлар ташкилотидан ҳам байроғимиз ўрин олган ибарчамизга фохр бағиш-лайди.

Бундан 33 йил муқаддам, яъни 1991 йилнинг 18 нояб-рида қабул қилинган “Ўзбе-кистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”-ги Қонунга кўра байроғимиз давлат суверенитетининг рамзи бўлиб қолди. Янги тахирридаги Конституциямиз-да ҳам Ўзбекистон Респу-бликаси қонун билан тасдиқ-ланадиган ўз давлат рамзла-ри — байроғи, герби ва мадҳиясига эғалиги, давлат рамзлари давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилди.



Муносабат

СУВ МАСАЛАСИ — БАРҚАРОРЛИК МАСАЛАСИ

7 ноябрь куни бўлиб ўтган қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан бу соҳадаги ютуқлар ва натижалар билан бир қаторда мазкур йўналишга доир долзарб муаммолар қайд этилиб, уларни амалга ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланди, аниқ кўрсатмалар берилди.

Президент йиғилишда ҳозирги даврга келиб намён бўлаётган сув билан боғлиқ жараёнлар мамлакатимизда ҳаёт-мамот масаласига айланаётганига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Бу юртимиз ободлиги ва фаровонлиги, халқимизнинг бугунги қундаги турмуши ҳамда соҳаларнинг барқарор ривожланиши учун муҳим заруратнинг ҳақиқий ифодасидир. Ушбу соҳадаги масалаларнинг биз учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқловчи ва ҳозирги даврда бу жабҳадаги фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи тарихий омиллар мавжуд.



Факт ва рақамлар

Шу йилнинг январь — сентябрь ойларида 6 минг нафардан ортиқ жисмоний шахслар “Қуёшли хонадон” дастуридан фойдаланиб, электр тармоқларига ўтказилган қуёш энергияси учун Давлат бюджетидан 8,9 миллиард сўм (8,9 миллион кВт/соат) субсидия олди.

Субсидиянинг энг катта қисми қуйидаги ҳудудларга тўғри келмоқда:

— Хоразм вилояти — 2,1 млрд. сўм;

— Қорақалпоғистон Республикаси — 1,5 млрд. сўм;

— Тошкент шаҳри — 1,2 млрд. сўм.

Манба: Энергетика вазирлиги.

«ҚУЁШЛИ ХОНАДОН»

ДАСТУРИ —
АМАЛДА

ЛОЙИҲАДА ИЖТИМОЙ СОҲА УСТУВОР

Пенсия жамғармасига пенсия ва бошқа туловларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш мақсадида жамғарманинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий тафовутни (етишмовчиликни) қоплаш учун Давлат бюджетидан 18,5 трлн. сўм трансферт маблағлари йўналтирилиши кўзда тутилгани, 2025 йил якунига қадар эса 4,3 млн. нафар

пенсия олувчи ва ўртача пенсия миқдори 1 645,2 минг сўмини ташкил этиши кутилаётгани халқ вакиллариининг эътиборида бўлди. Мунозараларда депутатлар кам таъминланган оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш ва бошқа шу каби масалалар бўйича ўз фикр-муносабатларини билдирди. Айрим масалалар юза-

сидан ишчи гуруҳ аъзоларига саволлар билан юзланишди. Ишчи гуруҳ аъзолари кўтарилган масалалар ўринли эканини айтиб, ушбу саволлар юзасидан атрафлича тушунтириш бериб ўтди. Кўйи палатада қонун лойиҳаси концепцияси муҳокамасига бағишланган йиғилишлар давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ТИНЧ-ОСУДА ҲАЁТИМИЗ ТИМСОЛИ



Байронимиздаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги ўзига хос маънога эга бўлиб, ундаги мовий ранг куч-қудратни, тинчлик ва барқарорлиқни ўзида акс эттиради. Оқ ранг поклик, бегуборликни ифодалаб келган бўлса, яшил ранг яшариш ва янгилашни рамзи, шунинг баробарида она табиигимиз, асрий қадриятларимиз, иймон-эътиқодимиз тинчсоли саналади. Қизил чизиклар томиримиздаги аҳждодлар қони — мангулик нишони.

Бугун халқимизнинг, ёшларимизнинг байроққа, миллий рамзларга бўлган меҳри, садоқати ошиб бораётганини кўриб фахрланамиз. 2023 йил 7 июль куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун эса ёшларда Ватан-

га нисбатан фахр-ифтихор ва меҳр-муҳаббат туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Бинобарин, мазкур ҳужжат билан Давлат байроғидан спорт мусобақаларида, оммавий жисмоний тарбия, маданий ва бошқа оммавий тадбирларда, оилавий байрамларда, хотиравий саналарни нишонлашда ва бошқа ҳолларда ҳам байроғимизга нисбатан юксак ҳурматни таъминлаган ҳолда улуғлашга рухсат берилиб, байроқ тасвири туширилган белгилардан фойдаланишда аҳолига кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, байроқдан жамоат жойларида, бинолар ва бошқа объектларда, яшаш ёки иш жойларида, транспорт воситалари салониди, расмий халқаро тадбирларда, ҳарбий ёхуд бошқа давлат хизматида бўлган шахслар кийим-бошида ва фарқловчи нишонларида, халқаро спорт мусобақалари ҳамда Ўзбекистон чемпионатлари учун спорт кийим-бошини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги белгиланди.

Бугун байроғимиз давлат идора ва муассасалари, ўқув юртлари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатоналаримиз пештоқда ҳиллараб турибди. Жумладан, турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз аъзолари қатнашаётган халқаро миқ-

ёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида ҳам у Ватанимиз шаъни, халқимиз шавкатини ерқин акс эттирмоқда.

Масалан, халқаро спорт беллашувларида галаба қозongan спортчиларимиз шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилган лаҳзада ҳар биримиз чексиз ҳаяжонга тушамиз, ҳеч кимдан кам эмаслигимиздан фахрланамиз. Хусусан, жорий йилда Парижда бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпиадада ҳам спортчиларимиз Олимпия ўйинлари тарихида янги рекорд натижа — 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медални қўлга киритиб, юртимиз байроғини қўлларга кўтаргани ҳам ҳар биримизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

...Давлатимиз байроғи юртимизда ҳўми сўраётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тозулик, кут-барака, биз эришаётган бемисл уютуқлар ва келажакка бўлган муштаҳам ишонч рамзи сифатида мағрур ҳилларайверади. Зотан, озодлик, тинчлик ва барқарорлик тинчсоли бўлган байроғимиз бор экан, миллат, давлат ва Ватан бор.

Шаҳноза ХОЛМАҲАМОВА,
Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ИХТИРОЧИ ВА ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Ҳафталик доирасида халқаро инновацион маҳсулотлар кўргазмасида 512 та маҳаллий, 34 та хорижий ташкилот томонидан “Тижоратлаштириш”, “Стартап” ва

“Илмий-тадқиқот” лойиҳаларини амалга ошириш натижасида яратилган инновацион маҳсулотлар намойиш қилинмоқда. Тадбир 16 ноябргача давом этади.

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Випарат ДЭОНГ,
Таиланд Миллий тадқиқот кенгаши (NRCT) ижрочи директори:

— “InnoWeek — 2024” тадбирида илк бор “NRCT” номидан иштирок этмокдаман. Ушбу тадбир иштирокчилар ва янгилик яратишга интилаётган тадбиркорларга ўз кашфиётларини намойиш этиш, янги маҳсулот ва хизматларни тақдим қилиш ҳамда потенциал бизнес ҳамкорлари билан муштаҳам алоқалар ўрнатиш учун кенг имконият яратади.

Аёнки, ҳар қандай соҳада ривожланиш ҳамда рақобат учун илм ва инновация зарур. Шу маънода, ҳафталик давомидида анъанавий тарзда инновацион ишланмалар



кўргазмаси ташкил этилиши айни муддао бўлди. Қолаверса, ёшларнинг технологик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун алоҳида майдонда қатор мусобақа ва интерфаол тадбирлар ўтказилаётгани эътиборга молиқдир.

Акио ФУЖИИ,
БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили:



— Жорий йилги “InnoWeek — 2024” мавзуси жуда долзарб ва аҳамиятли эканини кўриб менда ҳам янги гоёлар туғилди. Биласиз, инновация ўз-ўзидан амалга ошадиган иш эмас, у муайян мақсадга хизмат қилади. Шу жиҳатдан, айнан барқарор ривож-

ланиш борасидаги инновациялар бизни эзгу мақсадлар сари бирлаштиради.

Тадбирда иқтисодий юксалиш ва яхши турмуш шароитлари яратиш, инсоний қадриятларни қўллаб-қувватлаш, табиий ресурсларни асраш ва улардан оқилона фойдаланиш, барқарорлик ва осойишталикни таъминлаш борасидаги ўз гоёларимни илгари сурмоқчиман. Демак, биз бу ерда инсон манфаатлари ва умумий мақсад йўлида бирлашиб, янги гоёларни яратамиз.

Акрам ҲАМРОҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш, унинг барқарор ўсишини таъминлаш соҳага бутунлай янгича ёндашувни тақозо қилмоқда. Масалан, мушаккиллиқнинг дастлабки даврида, яъни 1991 — 2000 йилларда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши оғир аҳволда эди. Интеллектуал салоҳият асосида инновацион фаолиятни молиялаштириш ишлари деярли тўхтатиб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бир қатор илмий-текшириш институтлари ёпилди. 2017 йилгача ҳар йили Ўзбекистонда инновацион фаолият учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ 0,2 фоиздан ошмасди.

Нукта назар

Бугун-чи? Бугун вазият тамоман ўзгарди. 2017 йилнинг ноябрь ойида Президент Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши тарихий воқеа бўлди, десак, адашмаймиз. Лекан афсуски, вазирлиқнинг бошқарув ва ташкилий тизими шакллантирилиб, зарур бўлган мутахассислар билан таъминланган бўлса-да, Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар асосида бажариладиган илмий лойиҳалар борасидаги силжислар ҳозиргача катта қийинчиликлар билан бўляпти. Тўғри, ўтган даврда маълум даражада ижобий ишлар амалга оширилди. Аммо буларни туб ўзгартириш, деб баҳолаш қийин.



корликни йўлга қўймасдан шакллантирилди. Ушбу жараёни самарали ташкил қилиш учун, фикримизча, биринчидан, иқтисодиётнинг барча тармоғи, вазирлиқлар ўзлариди мавжуд муаммоларнинг илмий лойиҳалар мавзуларини, молиявий таъминотини ва бажариш муддатини кўрсатган ҳолда “Илмий лойиҳалар базаси”ни шакллантириб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этса ва ушбу вазирлик юқорида айтилган база ахборотларини эълон сифатида лойиҳа бажарувчи ташкилотларга етказса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунда бажарилаётган лойиҳалар ҳақиқатда амалиётга керак бўлган муаммоларнинг самарали ечимини топган натижаларни шакллантириш бўларди.

Иккинчидан, ташаббуслари асосида олий таълим тизимидаги профессор-ўқитувчилар, илмий-тадқиқот институтлари олимлари томонидан ҳам лойиҳа мавзулари шакллантирилиб, “Илмий лойиҳалар мавзулари базаси” яратилса ва мавзулар интернет орқали эълон қилинса мавжуд муаммолар ечимининг амалий жиҳатлари юқори бўлар эди. Албатта, олимлар, профессор-ўқитувчилар шакллантирган мавзулар уларнинг ҳақиқатдан долзарблиги, тармоққа фойдалилигига қараб бўрттмачи-амалиётчилар билан ўзаро ҳамкорликда бажарилиши керак бўлади.

Илмий лойиҳаларни молиялаштириш зарурати

Бугунги кундаги илмий лойиҳаларни молиялаштириш тизими ҳам

маълум даражада такомиллаштиришни талаб қилади. Вилоятларда ўнлаб олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларда юзлаб профессор-ўқитувчилар, олимлар ишламоқда. Уларнинг илмий фаолиятлари қониқарсиз ҳолда, яъни кўпчилиги турли тадбирлар билан банд бўлиб қолмоқда. Ёки дейлик вилоят ОТМдан келган лойиҳалар танловдан ўтмаса, уларнинг асарияти илмий лойиҳалар билан шуғулланмай қўйиши ҳам бор гап.

Фикримизча, Давлат бюджетидан инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда унинг маълум қисми (40 — 45 фоизи) табақалашган, яъни ҳудуддаги муаммолар, ҳудуднинг илмий салоҳияти инобатга олинган ҳолда ажратилса, вилоятларни пропорционал ривожлантириш таъминланган бўлар эди.

Тақдиримиз шуки, вилоятлар ҳокимликларида Инновациялар марказ ва унда Илмий кенгаш ташкил қилинса, ҳудудлардаги интеллектуал салоҳиятдан тўлиқроқ, самаралироқ фойдаланилган бўларди. Шунингдек, бюджетдан инновацион фаолиятга ажратилаётган маблағлардан ҳам оқилона фойдаланишга эришиларди.

Давлатимиз томонидан инновацион фаолиятни янада жадал кенгайтириш мақсадида бюджет ва бошқа манбалардан кўп миқдорда маблағ ажратилмоқда. 2018 йилда қўшимча 100 миллион АҚШ доллари инновацион ривожлантиришга ажратилди. Утган даврда инновацион ривожланишга масъул вазирлик, Фанлар академияси, мутаассиди ташкилотлар томонидан ушбу маблағлардан фойдаланиб қандай ихтиролар, кашфиётлар амалга оширилди, юқори даражадаги янгиликлар қилинганлиги ҳақида на телевидениеда ва на матбуотда хабарлар берилди. Халқимиз бу ҳақда ҳеч нарсга билмайди. Ҳолбуки, эришилган салмоқчи уютуқлар, йирик лойиҳалар, ихтиролар матбуотда эълон қилинса бўлади-ку!

Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида халқаро рейтинглар бўйича юқори ўринни эгаллаш учун ҳаракат кетмоқда. Бу борада, кўп бўлмаса ҳам, маълум натижалар бор. Халқаро рейтинг талаблари бўйича махсус кўрсаткичлар мавжуд. Жумладан, олий таълим муассасасининг илмий салоҳияти — илмий даражали профессор-ўқитувчиларнинг салмоғи. Мамлакатимизда 1991 йилгача битта университет, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети бор эди ҳолос. Бугунги кунга келиб университетлар кўпайиб кетди, дастлаб вилоятлардаги педагогика институтларида “университет” мақоми берилди.

Олий таълим муассасалари таркибий тузилиши бўйича уч хил турдан — юқори поғонада универси-

тет, кейин академия ва институтдир иборат. Университет таълимнинг шартлари, талаблари бўлиб, улардан асосийси илмий салоҳият хисобланади ва у 60 фоиздан юқори бўлиши, илғор даражада юқори тадқиқот ишлари бажарилиши керак. Тан олиш жоизки, Тошкент шаҳридаги қатор етакчи олий таълим муассасалари, айниқса, вилоятларда фаолият кўрсатаётган университетлар ушбу талабга жавоб бермайди.

Биланмики, Президентимиз ташаббуси билан ёшларнинг таълим олишини кўпайтириш мақсадида олий таълим муассасаларига қабул қилиш қамровини ошириш учун хусусий олий таълим муассасаларини шакллантиришга рухсат берилди. Бу яхши, аммо бундай ўнлаб хусусий университетлар қанчалик “университет” мақомига, шартларига мос келади?

Демак, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган университетлар кўплаб муаммолар ечимини топишлари лозим бўлади, айниқса, илмий тадқиқот соҳасига алоҳида эътибор бериши лозим. Университет нафақат билим ва тарбия бериш маскани, балки кенг маънода айтсак, инновацион фаолият билан шуғулланадиган даргоҳ. Хорижий мамлакатлардаги университетлар таркибидида ўнлаб илмий-тадқиқот институтлари фаолият кўрсатиши ҳам шундан.

Қилиниши керак бўлган ишлар кам эмас

Илмий ва илмий-педагогик кадрлар эса икки босқичли докторантурада тайёрланади. Магистратура ва докторантурага чет тилни билиш даражаси, яъни сертификат билан қабул амалга оширилади. Мамлакатимизда турли халқаро ташкилотлар тузилмоқда, реал секторда қўшма корхоналар кўпайиб бормоқда, буларда ишлаш чет тилини мукамал билишни тақозо қилади. Шунинг учун бу талаб ҳам жуда ўринли.

Ёшларимиз, айниқса, шаҳар ёшлари хорижий тилни мукамал ўрганишга интиляпти, мактаб ва лицейларда, тил марказларида шуғулланишмоқда. Айниқса, Президент мактабларида болалар чуқур билим олиб, хорижий тилларни ўрганиб, дунёнинг нуфузли олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинаётганига ҳаммамиз гувоҳчи. Охириги йилларда олис киш-лоқларга қўшимча моддий рағбатлантиришлар асосида ўқитувчилар жалб этиляпти. Лекин бу борада ҳали қилиниши керак бўлган қўллаб-қувватлаш учун ечимини кутаётгани ҳам рост.

Таъкидланганидек, бугунги кунда докторантура ва магистратура-

га хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи сертификат бўйича ўқишга кирмоқда. Аммо амалда нима бўляпти? ОТМга 100 та қабул квотаси берилган бўлса, амалда 15 — 20 та қабул қилинаётир. Ҳар хил мутахассисликлар бўйича ташкил этилган гуруҳлар иккита ёки учта магистрантдан иборат. Тасаввур қилинг, катта аудиторияда ўнлаб электр чироқлар ёнган, техника-компьютерлар мавжуд ҳолда профессор-ўқитувчи 2 икки ёки учта магистрантга 80 дақиқа дарс машғулотни ўтади ва... бу қанчалик мантиққа тўғри келади? Реал секторда — ишлаб чиқаришда махсулот таннархини камайтириш учун тийинларни тежашга ҳаракат қилинади. Таълим тизимида-чи? Ҳолбуки, профессор-ўқитувчи 80 дақиқа мобайнида 20 — 30 нафар магистрантга дарс бериши мумкин.

Худудлардаги ОТМнинг илмий салоҳияти 30 — 35 фоиздан ошмайди. Бу чеклов асосида вилоятларда магистратурада ўқимаса, қандай қилиб уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мумкин?

Фикримизча, ушбу ёндашувни ҳам такомиллаштириш керак. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олий таълим тизимига қабул салмоғи бугунги кунда 9 фоиздан 30 — 35 фоизга етказилди ва келажакда 50 фоизга етказиш стратегияси қабул қилинган. Эндиликда олий таълим муассасалари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиб, халқимизнинг олий маълумотлилик даражасини оширишми керак.

Аслида инновация ва инвестиция мазмун-моҳияти, фаолияти жиҳатдан бир-биридан ажралмас иборалардир. Иқтисодий ўсиш, мамлакатни жадал ривожлантириш даражасини айнан шу икки фаолият асосида амалга ошириш мумкин. Чунки инновацияни ривожлантиришга капитал — инвестиция зарур.

Айни вақтда инвестиция асосида яратилган техник-технологиялар, кашфиётлар инновациянинг махсулотидир. Реал секторни, яъни ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларини жадал ривожлантириш шу икки омилга кўпроқ боғлиқлиги ҳуқуқмат раҳбариятининг алоҳида эътиборида экани айни ҳақиқат.

Шундай экан, Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари, зиёли-олимлар, тадқиқотчилар, ишлаб чиқарувчи амалиётчилар ҳамда тадбиркорлар олдида бу борада ҳал қилиниши зарур ва шарт бўлган улкан вазифалар турибди. Ана шуларнинг ечимини топиш асосида иқтисодиётни янада жадал ривожлантиришга замин яратилади.

Носир МАҲМУДОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Молиявий саводхонлик бурчаги

Марказий банк томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида молиявий саводхонлик лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа ёшлар учун доимий семинар ҳамда тренинглр билан бир қаторда, кутубхонада ўзига хос макон — “Молиявий саводхонлик бурчаги”ни ўз ичига олади.

Кутубхона ўқувчилари учун молиявий мавзулардаги турли адабиётлар — шахсий бюджет асосларидан тортиб активларни бошқариш ва инвестициялашнинг мураккаброк жиҳатларигача, шунингдек, “Finlit.uz” лойиҳасининг қўлланмалари ҳамда интерфаол трекерлари билан танишиш учун зарур шарт-шароит яратилган.



Йўл-транспорт инфратузилмаси яхшиланади

Мамлакатимизда халқаро талаблар ва стандартларга мос замонавий автомобиль йўлларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, миллий йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишлар давомий сифатида “D 213 “Урганч — Хонқа — Ҳазорасп — Амударё дарёси — A380” автомобиль йўлининг 84 км. қисми реконструкция қилинадиган бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори доирасидаги ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 294,1 млн. доллар. Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 18 йил муддатга 238 млн. доллар қарз ажратилади.

Лойиҳа доирасида мақбуллаштириладиган ва иқтисод қилинадиган маблағларни (тахминан 32,7 млн. доллар) “D 217 “Урганч — Гурлан — Манғит — Туркманистон Республикаси чегараси” автомобиль йўлининг 5 — 75 км. қисмини қайта қуриш лойиҳасига йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Маълумот учун, мазкур лойиҳа беш йил давомидида амалга оширилади.

«Пандемия сабоқлари ва янги таҳдидларнинг олдини олиш»



Пойтахтимизда бошланган Ўзбекистон инфекционистлари, эпидемиологлари, паразитологари, микробиологлари ва вирусологларининг бешинчи съезди ана шундай номланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги хабарига кўра мазкур тадбирда Россия, АҚШ, Германия, Франция, Хитой, Жанубий Корея, Беларусь, Хиндистон, Озарбайжон, Украина ҳамда Қозоғистон каби давлатлардан олимлар, экспертлар қатнашмоқда.

Тадбир юқумли касалликларга қарши курашнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, илғор тажриба алмашиш, инфекцияларни даволаш ва олдини олиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш учун инфекционистлар, эпидемиологлар, вирусологлар ҳамда бошқа мутахассисларнинг ҳаракатларини бириштириш мақсадида уюштирилди.

Эрта никоҳ бўйича энг паст кўрсаткич

Эрта никоҳ бўйича энг паст кўрсаткич Ўзбекистонда (3,4 фоиз) бўлиб, сўнгги ўн йил ичиди бу индекс сезиларли даражада камайган.

Бу ҳақда Болалар омбудсмани расмий телеграм каналда маълум қилинди.

“Equality Now” халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқотда Евроосиёнинг 7 та давлати — Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистондаги болалар никоҳи, эрта никоҳ ҳамда мажбурий никоҳ муаммоси ҳар томонлама таҳлил қилинган. Бу тадқиқот инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши курашиш учун асосий сабаблар, оқибатлар, ҳуқуқий ва сиёсий асослар ҳамда эҳтимолий аралашув стратегияларини ўрганади.

Қайд қилинишича, Грузия ва Қирғизистон Евроосиёда болалар никоҳининг энг катта кўрсаткичига, Ўзбекистон эса энг кичик кўрсаткичига эга (3,4 фоиз).

Маълумот ўрнида, 2018 йилда республикаимиз бўйлаб 5123 та эрта никоҳ ҳолати қайд этилган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 42 тани ташкил қилган.

«Халқ сўзи».



СУВ МАСАЛАСИ – БАРҚАРОРЛИК МАСАЛАСИ

Асрлар давомида бутун Ер юзида сув ҳаётнинг асоси ва инсоният ривожланишининг бош омилларидан бири сифатида қадрланган. Инсоният авлоди кўп асрлик суғурма деҳқончилик фаолияти давомида сув манбалари, булоқларнинг аҳоли, серсувлиги, экин далаларидан узоқлиги, сув оқимининг ҳажми ва тезлиги, табиий-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда суғориш тармоқлари ва улардаги гидротехник иншоотларни қуришган ва такомиллаштириб боришган.

Марказий Осиёда ҳам узоқ даврлар давомида Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё ва Чирчиқ сувлари ўзани бўйлаб сув оқими ва ресурсларини бошқаришни тартибга солиш ишлари мунтазам олиб борилган. Уста деҳқонларимиз табиий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тизими ва услубларини ишлаб чиқишган. Уларни асрлар давомида муттасил сайқаллаб, такомиллаштириб борган. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудида энг қадим замонлардан бугунги кунгача инсон ҳаёти учун зарур бўлган барча соҳа сув билан боглиқ ҳолда шаклланган ва ривожлангани маълум.

Аждодларимиз деҳқончиликни ариқлар қазиб, тўғонлар қуриш йўли билан олиб борган, чигирлар, ер ости сувларидан фойдаланиш учун қоризлар, маҳаллий оқим сувларини йиғиш ва улардан фойдаланиш учун сардобалар қуриш йўллари билан сув ресурслари тақсимотини таъминлаганлар. Содда ирригация иншоотларини қуриб, суғурма деҳқончиликини аста-секин ривожлантира бориб бог-роғлар яратишган, полиз экинлари етиштирган.

Шу билан бир қаторда, боболаримиз қадимдан ерларни суғориш ва экологик соғлом муҳитни яратиш имкониятларидан фойдаланмаслик салбий оқибатларга олиб келишини ҳам жуда яхши англаб етишган. Бу эса, ўз навбатида, ақл-заковат соҳибларининг бундай ҳодисаларни чўқур ўрганганишлари, уларга қарши курашиб, бартараф этиш усуллари кидириб топишга ҳаракат қилишига сабаб бўлган. Ўзбекистон ирригацияси тарихида нафақат гидротехник иншоотлар алоҳида ўринни эгаллайди, балки сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари ҳам нихоятда муҳим аҳамиятга эгаллиги халқимизнинг олис ўтмишдан бугунги кунгача бўлган ҳаёти гувоҳ.

Хуллас, жуда қадимги даврлардан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида суғурма деҳқончилик ривожланди, сув иншоотларини қуриш, бу бебаҳо бойлиқни асраб-авайлаш ва тежаб сарфлаш аъёнлари шаклланди. Асрлар давомида бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бой ва диққатга сазовор тажриба пайдо бўлди. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши айнан ана шундай омиллар ва аъёнлар-

нинг мантиқий давомидир, дейиш учун асослар етарли.

Муаммолар ечими — тежамкорлик ва илғор технологияларда

Йиғилишда алоҳида таъкидланганидек, бугун дунёда экологик муаммолар, табиий офатлар кўпайиб бормоқда. Минтақамизга сув танқислиги хавф солмоқда. Шу боис мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, бу неъматни асраш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарининг фикрича, сув танқислиги муаммосининг ягона тўғри ечими сувни тежовчи технологияларни жорий этиш ва ариқларни бетонлаш ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, 550 километр канал ва ариқлар бетонлангани эвазига 200 минг гектар майдонда сув таъминоти яхшилانган, йилига 450 миллион кубометр сув тежалмоқда. Бундан ташқари, фермер ва кластерлар томонидан ҳам 13 минг километр ички тармоқлар бетонланган.

Ўтган йили техника, ишчи кучи ва қум-шағал билан таъминлаш борасида ёрдам кўрсатилгани боис бетонлаш ҳаражати 2 қарра арзонлашди. Яна бир жиҳат — бетонланган каналларда сув оқими тезлашади. Бу кичик ГЭСлар қуриб, электр олиш учун катта имконият яратади. Президент йиғилишда мана шу масалага алоҳида эътибор қаратди. Айни пайтда Навоий вилоятида 11 мегаваттли 148 та шундай станция қуриш бошланган. Умуман, ҳудудларда 2 мингта микроГЭС қуриб, йилига қўшимча 600 млн. киловатт электр олиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда каналларни бетонлаш дастурини давом эттириш режалаштирилмоқда. 2025 йилда бу ишга 800 млрд. сўм йўналтирилади. Йиғилишда мутасаддиларга бу борада хусусий шериклик шартларини ишлаб чиқиб, тадбиркорларга эълон қилиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги яхши тажрибаларни ҳам келтириб ўтди. Масалан, Жиззах вилоятининг Ўдстлик туманида сув бошқарувини “ақлли” тизимга ўтказиш бўйича 21 млн. долларлик лойиҳа якунлангани таъкидланди, бу фермерларимизда сувни ҳисоб-китоб қилиш борасида, бироз бўлса-да, дунёқараш ўзгарганини кўрсатиши айтиб ўтилди. Шаффоф тизим йўлга қўйилгани туфайли бу йил ерга икки қарра кўп сув бориши айтилди.

Бирок долзарб муаммолар сақланиб қолмоқда. Масалан, кластер ва фермерларга бир кубометр сув етказиб бериш ўртача 212 сўмга тўғри келса, Бухоро, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида бу 2-3 баравар қиммат.

Охириги йилларда 1 млрд. доллар ҳисобига Қарши, Аму-Бухоро, Аму-Занг каби йirik насос станциялари модернизация қилинди. Лекин ўрта ва майда насослар эскилиги сабабли сув таннархи ошиб кетаяпти. Бетонлаш ҳисобига йўқотиш 10 —



15 фоизга камайган бўлса-да, 20 та туманда бу кўрсаткич юқориликгача қолмоқда.

Президент ноябрдан мартгача бўлган давр каналларни бетонлаштириш учун энг қулай эканини таъкидлади. Айни пайтда 18 минг километр магистраль ва 94 минг километр ички каналларни бетонлаштириш зарур.

Алоҳида таъкидланганидек, республика бўйича 2 млн. гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган натижасида ўтган йилнинг ўзида 2 млрд. кубометр сув тежалган. Лекин айрим далаларда ўрнатилган ускуналар ишламапти. Эндиликда бу қатъий назоратга олинади. Келгуси йилда яна 500 минг гектарда сув тежовчи технологиялар ўрнатилади. Қорақалпоғистонда қўлланган лазерли текисланган ернинг ҳар гектарида 1 млн. сўмдан субсидия бериш тизими энди Хоразмда ҳам бўлади. Бошқа ҳудудларда ҳам лазерли текислаш кенгайтирилади.

Баҳор ва куздаги сел сувларини йиғиш — соҳадаги яна бир манба. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида шундай иншоотлар барпо қилиб, 50 минг гектарда сув таъминоти яхшилаш имкони бор. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бу борада икки йиллик режа олди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатда ерларни суғоришда 1698 та насос станциясидан фойдаланилмоқда, улар йилига 6,8 млрд. кВт/соат электр энергияси истеъмол қилиб, фермер хўжалиқлариغا 32,5 млрд. кубометр сув етказиб бермоқда. Деҳқон далаларида 1700 та насос агрегати йилига 1 млрд. кВт/соатдан ортик электр энергия сарфлайди. 2024 йилги бюджетда электр энергияси харажатларини қоплаш учун 170 млрд. сўм йўналтирилган бўлса, 2025 йилда яна 250 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда Президентимиз “2025 йил — сув хўжалигида “Насослар самарадорлигини ошириш йили” бўлади, деб эълон қилди ва сув хўжалигидаги насос станцияларида электр истеъмоли 8,3 млрд. дан 6,8 млрд. кВт/соатга камаيгани, лекин бу етарли эмаслигини таъкидлади. Хоразмлик фермерларнинг энергия тежаш борасидаги тажрибасини кенгайтириш, шунингдек, 2 та асосий насос станцияси учун тендер эълон қилиш топширилди.

Президентимиз сув хўжалиги соҳасида кескин ўзгариш яшашнинг бирдан-бир йўли рақамлаштириш эканини таъкидлади. Хусусан, станцияларга онлайн назорат ва “ақлли” сув қурилмалари олиб келинган. Лекин улардан олинадиган маълумотларни жамлаб, таҳлил қиладиган ахборот тизими йўқ. Сув истеъмоли ва ҳисоб-китоби ўта мураккаб. Шу боис Сув хўжалигини рақамлаштириш маркази тузилиши белгиланди. Унда сув истеъмоли ва ҳисобини юритишнинг ягона ахборот тизими ишга туширилади.

“**Маълумки, бугунги кунда мамлакатда ерларни суғоришда 1698 та насос станциясидан фойдаланилмоқда, улар йилига 6,8 млрд. кВт/соат электр энергияси истеъмол қилиб, фермер хўжалиқлариغا 32,5 млрд. кубометр сув етказиб бермоқда. Деҳқон далаларида 1700 та насос агрегати йилига 1 млрд. кВт/соатдан ортик электр энергия сарфлайди. 2024 йилги бюджетда электр энергияси харажатларини қоплаш учун 170 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2025 йилда яна 250 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган.**

ҳар бир сув фойдаланувчисидан ҳалоллик ва фидойиликни талаб қилади.

Бугун биз барча йўналишдаги фаолиятимиздан ижобий натижалар қутишимиз ва барча чора-тадбирлардан тўлиқ фойдаланишимиз мумкин. Ушбу ёндашувнинг асоси бизнинг сувга бўлган муносабатимиздир.

Шундан келиб чиқиб, тегишли соҳалар мутахассисларининг ҳамда сувдан фойдаланувчиларининг сув тежамкорлигини кучайтириш бўйича касбий малакаси ва манфаатдорлигини ошириш, суғориш тизимларининг техник ҳолатини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларида илғор техника ва технологияларни жорий этиш, сув истеъмоли меъёр-



ларини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш талаб қилинади. Минтақа миқёсида ҳам бир қатор масалалар кун тартибда бўлиб, булар — сувни тежашнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган умумий минтақавий режаси ва узоқ муддатли стратегияси ҳамда минтақавий даражада иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

Сувдан фойдаланишга бўлган муносабатни ўзгартириш зарурияти

Албатта, бу мақсадга эришиш йўлида давлат раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Бироқ аҳолининг, мутахассисларнинг, барча сувдан фойдаланувчилар ва умуман, жамоатчиликнинг сувга ҳамда сув ресурсларидан фойдаланишга бўлган муносабатини ҳам тубдан ўзгартириш зарур. Бугун давлат даражасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда, ҳар бир сувдан фойдаланувчи фол ҳаракат қилиб мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган тақдирдагина муваффақиятга эришишимиз мумкинлигини англаш вақти келди.

Энди ҳар бир сув фойдаланувчисига янги муҳитда ўз ўрнини тезроқ топишга ёрдам бериш муҳим. Бу нафақат давлат идораларидан, балки

Кўриниб турганидек, бугунги кунда дунёда сув ресурслари муаммолари ўзаро боглиқликдаги кўп қиррали ва кўп сонли ноаниқликлар таъсирида ўта мураккаб, шу билан бирга, нафақат алоҳида мамлакатлар, балки бутун минтақалар барқарор тараққиётини белгилаб берувчи муаммолар туркумига киради.

Уларнинг ечими ҳам хусусияти каби кўп қиррали (техник, технологик, ижтимоий, иқтисодий, институционал, ҳуқуқий, дипломатик ва б.) бўлиб, уларнинг асоси салоҳиятни ривожлантириш, яъни юқори малакали профессионал, илмий-педагогик, муҳандис-техник ва бошқарув кадрларини тайёрлашдан иборат.

Бу борада қарийб 100 йиллик аъналарга эга илмий марказ — “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети алоҳида ўрин тутди.

Дунё рейтингларида пешқадам илм марказлари сафида эътироф этилаётган мазкур университетнинг Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган ўқув-тажриба хўжалигида БМТ Тараққиёт дастурининг “Техник салоҳиятни мустақамлаш” лойиҳаси доирасида талабаларнинг амалиётларини ўташи ва ёш олимларнинг илмий тадқиқот ишларини олиб боришига шароит яратиш мақсадида 4,7 гектар майдонда “Замонавий сув тежовчи технологиялар ўқув-илмий полигони” барпо этилди.

Хитойнинг “Huawei Tech Investment Tashkent” компанияси ҳамийлигида “Ақлли” қишлоқ ва сув хўжалиги” кўргазма зали очилди. У янги илмий ишланмаларни яратиш орқали лойиҳаларнинг натижадорлиги, аниқлиги ва ишончлигини таъминлаш, соҳани рақамлаштириш билан боглиқ илмий фаолиятни ёшлар ўртасида оммалаштириш ҳамда уларда таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ўқув-тажриба хўжалигида томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва тупроқ ости ёпиқ қувурлар ёрдамида суғориш технологиялари жорий этилди ҳамда галла, пахта, шOLI ва дуккакли экинлар уруғларига плазма билан ишлов бериш технологияси татбиқ қилинди.

Тадқиқот натижалари таҳлиliga кўра дуккакли экинларда аънанавий экиш технологиясига нисбатан плазма билан ишлов бериш технологияси асосида экинларнинг ҳосилдорлиги ўртача гектарига 24,5 центнердан кўпроққа ошгани кузатилди.

Университет ўқув-илмий марказида АҚШнинг “Lindsay” компаниясининг “Zimmatic” ёмғирлатиб суғориш машинаси ишга туширилди. Ушбу технология ёрдамида 3,6 гектар майдонда ғўза экилиб, йиғиштириб олинди. Ўртача ҳосилдорлик синови йилида гектаридан 47 центнерни ташкил этди.

Умуман, олийгоҳимиз бугунги кунда мамлакатда яратилган шароитлардан фойдаланиб, турли соҳаларда, жумладан, олий таълим, илмий тадқиқот, инновацион ва салоҳиятни ривожлантириш йўналишларида изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўрта ва узоқ муддатли стратегия асосида улкан марраларни ўз олдига қўйган:

Ўзбекистон олий таълим хизматини Марказий Осиё давлатларига экспорт қилиш тизимини яратиш;

Ўзбекистонда биринчи бўлиб олий таълим тизимида “Мета-олам” (Meta Universe) технологиясини жорий этиш;

университет фаолиятини халқаролаштириш, “QS” ва “THE” халқаро глобал дунё рейтингига 2030 йилда “ТОП — 300”, Осиё ва Тинч океан минтақасида “ТОП — 50” университетлар рўйхатига кириш;

рақамли университетга айлантириш ва университетни янги босқичга олиб чиқишга йўналтирилган.

Университетимиз олимлари Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишда белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда тадқиқотларни давом эттиради.

Баҳодир МИРЗАЕВ,
«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон илм-фанида янгилик:

НУМИЗМАТИКА ТАРИХИГА ДОИР ЭКСПОЗИЦИЯ ЯРАТИЛАДИ

Ўзбекистондаги Ислm цивилизацияси марказида юртимиз нумизматика тарихига оид экспозициялар яратиш режалаштирилган. Марказ ташаббуси билан амалга оширилаётган Ўзбекистон нумизматикаси тарихи лойиҳаси устида Япониянинг Мlхо музейи илмий ходими Сергей Лаптев иш олиб бормоқда.

Интилиш

У мазкур лойиҳа ҳақида ўз фикрларини баён қилди.

— Ислmдан аввалги даврда Ўзбекистон ҳудудида зарб қилинган тангалар намуналарининг рўйхатини шакллантириб, шахсий коллекциялардан излаш, дунёдаги музейлар, халқаро аукционларга мурожаат қилган ҳолда уларни топиш ҳамда нусхаларини яратиб, экспозицияга киритиш ҳаракатлари бошланган. Асосий вазифамиз шу ва бунинг асоси-

да энг яхши натижа сифатида бир китоб-альбом чиқариш режалаштирилган.

Ўзбекистон ҳудуди тарихида Буюк Ипак йўлида амалга оширилган савдо-сотикда муҳим ўрин тутган. Шунингдек, Марказий Осиёда турли даврларда ташкил топган қадимги, масалан, Ўзбекистоннинг илк давлатчилиги асоси бўлган Хоразм, Бақтрия, Сўғд каби илк давлатлар ҳукмдорлари савдо-сотик муомаласи учун ўз тангаларини зарб қилгани тарихдан биламиз. Бу эса ислmгача бўлган давр-

да Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қадимги давлатчилик бошқаруварларидаёқ тангани зарб қилиш мавжуд бўлганидан далолатдир.

Аммо бу зарб қилинган тангалар ҳақида етарли маълумотлар мавжуд эмас. Шу боис Ўзбекистон нумизматикаси тарихи лойиҳасининг амалга оширилиши Ўзбекистон илм-фани учун аҳамиятли ёндашувлардан бири бўлиши кутилмоқда.

Қайд этиш кераки, нумизматика, бу — тангалар ҳақидаги фан. Яъни нумизматика тангаларнинг тасвирлари, ёзувлари, оғирлиги, қандай металлдан ясалгани, пул муомаласидаги даражаси ва танга зарб қилиниш тарихини ўрганади.

«Халқ сўзи».

ГЕРМАНИЯДАГИ ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИ ФАРЗАНДЛАРИ ОНА ТИЛИДАН САБОҚ ОЛМОҚДА



Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳридаги “Бахтиёр оила” лойиҳаси қошида ташкил этилган “Бахтиёр оила болажон” лойиҳасининг бир йиллиги нишонланди.

Биз ва жаҳон

“Бахтиёр оила болажон” лойиҳаси 2023 йилда ҳамюртимиз Гулшода Абдуҳамид ташаббуси билан 7 — 10 ёшли болалар учун “Ўзбек тилини ўрганамиз” шиори остида яратилган. Германиянинг турли ҳудудларида яшовчи ўзбек оилалари учун бундай ташаббус фарзандлари чет тили билан биргаликда ўзининг она тилини мукаммал ўзлаштиришида айнаи муддао бўлди.

Лойиҳа доирасида ҳафтада бир марта ўзбек тилидан қизиқарли дастур асосида дарслар ўқитилапти. Айни пайтда бу ерда 7 та гуруҳда болаларга ўзбек тили ўргатилмоқда. Йил якунида ўқувчилар фахрий ёрлиқ билан тақдирланади.

Тадбир давомида болажонлар томонидан ўзбек тилида ёддан шеърлар ўқилди ва қўшиқлар ижро этилди.

Айтиш жоизки, “Бахтиёр оила” лойиҳаси Ўзбекистоннинг Франкфурт-Майн шаҳридаги Бош консулхонаси кўмагида

2022 йил ташкил этилган. У Германияда истиқомат қиладиган ўзбекистонлик ёшларни бирлаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш, хоризмда улғаяётган авлоднинг миллий руҳда тарбиялаш ва оилавий қадриятларни тарғиб этишга қаратилган.

Бундан ташқари, лойиҳа қошида аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича “O'zbekgoyim Community” платформаси фаолият юритади. Мазкур платформа Германияда яшаётган 300 дан ортик ўзбек хотин-қизлари учун семинар ва турли маданий тадбирларни уюштирмоқда.

Келажакда “Бахтиёр оила” лойиҳаларини кенгайтириш, аёлларни ижтимоий ва руҳий қўллаб-қувватлаш ҳамда Германияда улғаяётган болажонларга ўзбек тилини ўргатиш ва миллий қадриятларимизни сингдиришга хизмат қиладиган дастурларни кенгайтириш режалаштирилган.

«Дунё» АА.
Франкфурт-Майн

Тошкентда «Better Cotton» дастури доирасида «Барқарор пахта етиштириш учун стратегик ҳамкорликни ўрнатиш» мавзуида халқаро форум ўтказилди.

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЙДОНГА ЧИҚҚАН МАЪРИФАТПАРВАРЛАР

Жадидчилик миллий ҳаракатида Туркистон бирлиги энг олди масалалардан бири саналган. Бунни жадидчилик асосчиси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг мана бу чорловида ҳам яққол кўриш мумкин: “Азиз қариндошларим! Мусулмон биродарлар! Ҳаммангизга маълумдурки, Туркистон, демек — туркий эл бўлиб, мундаги халқнинг қозоғи, кирғизи, сарти, ўзбеги, туркмени, татари — ҳаммаси аслан... жаҳонғир... Темурунинг гоёси учун курашга кирган бир пайтда мустамлакачилар улар орасида уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик тушунчаларини ёйиш ва онига синдиришга жон-жаҳди билан уринган. Узоқ йиллик ҳаракатлар беҳуда кетмади, улар “аслан жаҳонғир, Темурунинг авлоди ёки оға-иниси” бўлган халқларни бир-биридан айирди, ораларига душманлик уруғларини сепиб қўйди. Уларнинг турк, озарбайжон тараққийпарварлари билан алоқаларини тақиқлади.

Тадқиқ

XX аср бошларида Туркистон жадидчилик ҳаракатида ўзбеклар, қozoқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар елкама-елка бўлиб фаолият олиб борганлар, таълим тизимини ислоҳ қилиш, сиёсий уюшмалар тузишда турк, татар, озарбайжон қардошлари билан биргаликда ҳаракат қилганлар.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, ўша пайтда Туркистонда янговчи миллатлар ўзбек, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман деб ажратилмас, “умумий туркистонлик” тушунчаси етакчилик қиларди. Жадидлар туркий тил каби форс-тожик тилини ҳам яхши билганлар ва икки тилда илмий мақолалар, рисолалар ҳамда ўз асарларини яратганлар. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдувоҳид Мунзим, Саидризо Ализода, Вадул Махмуд ва бошқа жадидлар туркий ҳамда форс-тожик тилида ижод қилганлари маълум.

Дўстлик ва ҳамкорлик

Оренбург, Уфа ва Қозон шаҳарларида жадид мактаблари очиб, болаларга янги усулда бошланғич ва ўрта таълим берган татар зиёлиларининг кўпчилиги мутаассиб уломулар таъқибига учраб, мамлакат худудидан қувғин қилинганда, уларнинг бир қисми юртимизга қўчиб келган. Натижада Туркистон ва татар тараққийпарварлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳудудий жиҳатдан Тошкент, Наманган, Бухоро, Хива каби марказий шаҳарларда кечган ва ривожланиб борган. Жумладан, Қозондан келган татар муаллими Салоҳиддин Сирожиҳиднов Қўқонда жадид мактаби очган ва бу мактаб тез орада машҳур бўлиб кетган.

1904 йил ноябрда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ёрлиғи билан Урганч шаҳрида очилган жадид мактабиди қозонлик Ҳусайн Қўшаев, 1906 йили қиз болалар учун очилган мактабда Қомила Қўшаева муаллим этиб тайинланган. Ушбу мактабларни бориб қўрган хон таълим-тарбия ишларининг янги усулда ташкил этилганидан хурсанд бўлган ҳамда эр-хотин муаллимларни муқофотлаган, шунингдек, мактабга иқтисодий жиҳатдан ёрдам беришга қарор қилган.

Намангандаги жадид мактабларида ҳам қатор татар тараққийпарварлари фаолият кўрсатган. Жумладан, татар драматурги Абдурауф Шаҳидий (Оқунзода) ва Ҳусайн Макаев Туркистон жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси Исҳоқхон Ибраг 1906 йили Тўрақўрғон ва Наманганда очган янги усул мактабларида муаллимлик фаолиятларини бош-



лаган. 1908 йили Исҳоқхон Ибраг Оренбург ҳамда Уфа шаҳарларида бўлиб, Оренбургдан тошбосма дастгоҳини харид қилиб, Қўқонга олиб келган ва “Матбааий Исҳоқия”га асос солган.

Матбаа ишларидан яхшигина хабардор бўлган Абдурауф Шаҳидийни босмахонага мудири, Ҳусайн Макаевни эса унга ёрдамчи қилиб тайинлаган. “Матбааий Исҳоқия” 1910 йили Наманган шаҳрига қўчирилган, унга 1910 — 1913 йиллари Ҳусайн Макаев, 1913 — 1917 йиллари эса наманганлик ношир Муҳиддин Абдулатторов мудирилик қилган.

1908 йили Бухоро жадидлари Садриддин Айний ва Абдулвоҳид Мунзим Бухоро шаҳрида жадид мактаби очилган олдин шахарда фаолият кўрсатаётган татар муаллими Холид Бурнашевга тегишли мактабга бориб, таълим қондалари, дарсхонани тартиблаш, ўқитилиш зарур бўлган фанлар, китоб ва дарсликлар билан танишган.

1911 йили Қўқонда татар миллатига мансуб эр-хотин Зариф Музаффарий ҳамда Қомила Музаффария қизлар ва ўғил болалар учун янги усул мактаби очганлар. Қомила Музаффария ўқитувчиликдан ташқари “Эл” газетасига муҳбирлик қилган, “Суюмбека” журналининг таъсис этилиши ва фаолиятида жонбозлик кўрсатган.

Тошкент шаҳрида ҳам татарлар томонидан ўғил болалар ва қизлар учун жадид мактаблари ташкил қилинган. Татар маърифатпарвар аёли Маймуна Фаттоҳиддин қизи Ахматова 40 — 50 қизни алоҳида мактаб биноси бўлмаганлиги боис қийин шaroитда ўқитиб келгани учун маҳаллий бойлардан Зариф ҳожи Аҳмаджонов ўз ҳисобидан мактаб қуриб берган. 1916 йил қуздан қизлар янги бинода билим олиш имкониятига эга бўлишган.

Миллий матбуотни ташкил қилиш

Туркистондаги илк миллий газета — “Тараққий”га ҳам татар тараққийпарварлари Исмоил Обидий муҳаррирлик қилганлиги айтиш лозим. 1906 йил 27 июндан 1906 йил 20 августига қадар чоп этилган мазкур нашр тўғрисида Абдуллавоний шундай ёзганди: “... Газета тез фурсатда шундай шўҳрат қозондики, ҳатто газета муҳаррири бўлгон Исмоил Обидийга Тараққий исми берилди. Хозиргача халқ Исмоил Обидийнинг исмини Тараққий деб юритадур... Бу газета ўша замон газеталари ичида энг

сўли бўлиб, ҳукумат ва унинг маъмуриларига қарши ҳужум очди... Истибод ҳукуматининг фавқулодда идораси қўли билан бу газета ўлдирилди. Халқ озиксиз қолиб, узоқ вақт жимжитлик ҳўкм сурди”.

“Тараққий” газетаси ёпиб қўйилган, унинг татар миллатига мансуб муҳбир ва ноширлари Абдурауф Музаффар, Нўшйравон Яёушев, Абдулла Беги, Махмуд Будаили ва бошқалар Туркистондаги бошқа миллий газеталарда ўз мақолалари билан қатнашганлар. Татар таржимони Нурмуҳаммад Усмонов “Садоий Фаргона” газетаси тахририятида фаолият кўрсатган бўлса, татар сиёсий арбоби Исмоил Шоаҳмедов “Туркестанский край” газетасининг муҳаррири бўлиб ишлаган.

1912 йили Бухоро жадидлари асос солган “Бухороий шариф” ва “Турон” газеталарининг муҳаррири озарбайжонлик Мирзо Жалол Юсуфзода эди. “Бухороий шариф” газетаси саҳифаларида у ўзининг ислохотпарвар ёғларни ақс этган мақолаларини чоп қилиб борган. Газетада жами 200 дан ортиқ мақола, рисола, сўхбат, хатларга жавоблари ва хабарлари босилган. Шунингдек, “Бухороий шариф”да 40 дан ортиқ шеърлари ҳам ўрин олган. Яна қатор мақолалари “Турон” газетаси саҳифаларида чоп этилган. Мирзо Жалол Юсуфзоданинг мақола, шеър ва рисоаларида таълим тизимиди муаммолар билан уларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар берилган. Тараққийпарвар халқни илм олишга ҳамда Кавказ ва Волгабўйидаги мусулмон қардошларининг таълим бериш тажрибасини ўрганишга ундаган.

Ўзбек ва татар тараққийпарварларининг ўзаро ҳамкорлиғи натижасида 1917 йил июлдан чоп этила бошлаган “Қаён” журналига Халиф Тулаков ва Иброҳим Тоҳирий муҳаррирлик қилганлар. Журналнинг жами 30 та сони чиқиб улгурган. Унинг фаолияти 1918 йилнинг охирида Туркистон АССР Халқ комиссарлигининг миллий ишлар бўлими томонидан тўхтатилган. Туркистонда чоп этилаётган газета ва журналларда татарлар нафақат муҳаррири, ташкилотчи, харф терувчи сифатида, балки матбуот саҳифаларини давринг дозлариб мақолалари билан бойитиб борувчи муаллифлар бўлиб ҳам хизмат қилганлар.

Таълим ислоҳи йўлидаги ҳаракатлар

1917 йил бошидан Туркистонда сиёсий жамиятлар тузиш учун ҳаракатлар фаоллашди. Шу йилнинг май ойида Озарбайжондаги “Исмоилия” ташкилотидан ёрдам тариқасида Муҳаммадмин Афандизода Қўқонга келиб, Обидхон Махмудов билан “Турк адами марказият фирқаси”нинг Қўқон бўлимини ташкил этган.

1917 йил ёзида эса Муҳаммадмин Афандизода ва унинг шериги Пири Мурсалзода Тошкентга келади ва “Турон” жамияти негизида фирқа марказини очди. 1917 йил 3 август кунин кечқурун Тошкент шаҳрида “Шўрўйи Исломия” жамияти биносида “Турк адами марказият фирқаси” ййгилиши бўлган. Ушбу тадбирда Муҳаммадмин Афандизода фирқанинг мақсад ва режалари хусусида маъруза қилади. “Турк адами марказияти фирқаси” олдида турган муҳим вазифалардан бири Туркистонда олий маълумотли миллий кадрлар тайёрлаш масаласи эди. Бунинг учун фирқа аъзолари 1917 йил 8 — 10 сентябрда Тошкент

да бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг II қурултойида дорилфунун ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратган.

1918 йил 3 май кунин комиссиянинг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб, Туркистон мусулмон халқ дорилфунуни раҳбариятига сайлов бўлган. Мунавварқори Абдурашидхон раис (ректор), Исо Тўхтабоев раиснинг биринчи муовини, татар тараққийпарварлари — Бурҳон Ҳабиб иккинчи муовин, Мухтор Бакир саркобти, тошкентлик маърифатпарвар Абдулсамий қори хазинадор этиб сайланган. 1918 йил 31 май кунин Туркистон мусулмон халқ дорилфунуни очилган. Ва шу қўндан бошлаб Туркистон мусулмон халқ дорилфунунининг наشري сифатида Мухтор Бакир муҳаррирлигида Тошкентда “Халқ дорилфунуни” газетаси чоп этила бошлаган.

1917 йил ёзида Тошкент шаҳрида Мунавварқори Абдурашидхон бoshчилигидаги тараққийпарварлар ва турк зобитлари “Иттиҳоди тараққийпарвар” ташкилотини тузади. Турк зобити Усмонов ушбу ташкилот раиси этиб тайинланган. “Иттиҳоди тараққийпарвар” большевикларнинг мустамлакачилик сиёсатини танқид қилиш, ёшларни сиёсий фаоллаштириш ва мактаб ишларини ислоҳ қилиш билан машғул бўлган. Жамиятнинг олдида турган асосий вазифалар: ёшларни аъзоликка жалб этиш, мутаассиб руҳонийлар билан кураш олиб бориш, мактаб ишларини тартибга солишдан иборат бўлган. Дастурда белгиланган учинчи вазифа жамият аъзолари томонидан тузилб бажарилган.

1918 йили “Иттиҳоди тараққийпарвар” жамияти “Иттиҳод ва тараққий” деб номланган. Тошкентда большевикларнинг кучайиб бориши натижасида “Иттиҳод ва тараққий” ташкилоти марказини 1919 йили Бухоро шаҳрига қўчиришди. Ташкилот номи ҳам ўзгаририлиб, “Миллий иттиҳод” деб аталади. Ташкилотнинг марказида дастлаб турк зобитларидан Муҳаммадбег, Сулаймон Сами, кейинчалик Садриддинхон Шарифхўжаев, Саъдулла Турсунхўжаев, Мунавварқори Абдурашидхон турган. Бу сиёсий уюшмага жадидлардан ташқари, уломулар ва савдогарлар ҳам аъзо бўлган.

“Миллий иттиҳод” ташкилотининг асосий мақсади большевикларнинг Туркистондаги таъсирини пасайтириш ва маҳаллий комиссарликларнинг мустақиллиги учун курашдан иборат бўлган.

1921-1922 йиллари “Миллий иттиҳод” ташкилотига Бошқирдистон автономияси ҳўкуматининг sobиқ раҳбари, туркий халқлар озодлиғи учун курашган Аҳмад Заки Валидий раҳбарлик қилади. 1921 йилдан “Миллий иттиҳод”нинг номи “Туркистон миллий бирлиғи” деб ўзгаририлиди. 1921 йил 2 — 5 августда Туркистон миллий бирлигининг биринчи конгресси бўлиб, унда ташкилот муҳри тасдиқланган. 1921 йил 5 — 7 сентябрда Самарқанда Туркистон миллий бирлигининг иккинчи конгресси бўлиб ўтади. Унда ташкилотнинг 24 банддан иборат Низоми қабул қилинади, Туркистон байроғи тасдиқланган.

Кўриниб турибдики, жадидлар Туркистон бирлиғи учун курашган. Миллий ислохотларида бир-бирларига қўмакчи бўлган. Миллий матбуотга асос солган, театр соҳасида ҳам яхшигина ютуқларни қўлга киритган. Миллий давлатчиликни тиклаш учун сиёсий уюшмалар тузиб, Туркистон озодлиғи учун курашда ҳам жипслашиб ҳаракат қилган.

Ҳукумат ишларидаги фаолият

1920 йили Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилган, ҳўкумат раҳбарлари турк зобитларини мудофаа ишлари ва ҳарбий таълим соҳаларига жалб қилади. Турк зобити Али Ризобегига Бухоро ҳўкумати ҳарбий вазирининг ўринбосари вазифаси юклатилган. У Бухоро ҳўкуматида ҳарбий соҳадаги ишларни ташкил этиш билан бир пайтда Аҳмад Заки Валидийнинг қўмағи остида Сибирда сургунда бўлган турк зобитларини асирликдан қутқаришга ҳаракат қилган. У жами 985 нафар турк ҳарбий асирини озод этишда жонбозлик кўрсатади.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳўкумати маориф соҳасини ривожлантириш ишларига татар мутахассислари тахрибасидан кенг фойдаланган. Маориф но-зири Қори Йўлдош Пўлатов туркий халқ вакилларидан (татар, бошқирд, озарбайжон, турк) саводли, маънавий таърибага эга, ижодий қобилиятли шахсларни ўзининг раҳбарлигидаги нозирликда ишлаш учун тақиф қилган. Қозон маърифий ва адабий муҳитида вояга етган, татар миллатига мансуб Маҳмуд Субоҳ Бухоро Республикаси ҳўкуматининг дастлаб-ки йилларида маориф нозирлиғи ўмумий ишлар бўлими мудири лавозимига тақлиф этилган ва самарали хизмат қилган.

Маҳмуд Субоҳ малакали кадрлар тайёрлаш учун ҳамма ёшларни хорижда ўқитиб бўлмаслигини таъкидлаб, Бухородаги ўқув муассасаларини замон талабларига мослаштириш масаласини хал этишни кўн тартибига қўйган. Мактабларни таъмирлаш билан боғлиқ ишлардаги маъсулиятсизлик, ўқув курсларидаги юзакилик ҳамда сохтакорликлар, мутахассисларнинг тахрибасизлиғи масалаларини кескин танқид қилган ва: “Қаъий тартиб ва интизомсиз ҳўкуматини, мактабига эмас, бир оила ҳам яшай олмайлар. Ёшқак тутмоқни билмаган маъмурилар ҳўкумат қайиқларига ўттирмаганлари маъкул”, деб кўрсатма берган.

1921 йили Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳўкумати томонидан ўзбек тилини давлат тили сифатида қўллаш тўғрисида махсус қонун имзоланган ва унга қўра ҳўкумат идораларида ким ўзбек тилида иш тутмаса, жаримага тортилиши белгиланган. Аммо қонун қабул қилинганга бир йил бўлса-да, ҳўкумат идораларидаги ҳўжатларнинг ярами рус тилида юритилаётганига Маҳмуд Субоҳ жим қараб тура олмаган. Ўзининг “Тил масаласи” мақоласида тил соғлиғини сақлаш тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдим этиб, “Ҳўкумат тили шу ҳўкуматнинг ҳўжаси бўлгон халқнинг она тилидур. Шу тил билан унинг адабиёти негизланган, қалбининг тереан ериндан ўрин толгандур”, деб таърифлаган.

Бухоро Халқ Совет Республикасида театр ишларини ривожлантириш ҳаракатларида ҳам татар зиёлилари иштирок этган. Татар зиёлиси Басир Нўгаев республикада театрларнинг бош режиссёри қилиб тайинланган. Унга театр соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш, сифатли саҳна асарлари яратиш ишларини бошқариш вазифаси юклатилган.

Дилноза ЖАМОЛОВА,
ЎзФА Тарих институтини директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тарих фанларини доктори.

Огоҳлик

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАҲДИД

ёҳуд фарзандларингизни квадерберлардан асранг!

Янги асрда ахборот тезлиғи тараққийёта ижобий таъсир кўрсатиши баробарида, бир қанча муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Интернет ва уяли телефон орқали ёшларга қилинаётган хуружлардан сақланиш энг катта муаммолардан бирига айланди. Эҳтиёт чоралари изланаяпти, лекин бу ечим ва чораларнинг қўпи фақат назарий, уларни амалда қўллаш қийин. Булардан ташқари, турли оқимлар ва “оммавий маданият” ниқоби остидаги ахлоқий бузуқлик ва зўравонликлар ёшлар маънавиятига таҳдид солиб турибди.

Маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай ҳўжум — бу миллатимизни миллат қиладиган, асрлар давомида ажодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва мос хусусиятларимизга, миллий гурури, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрихий тараққийёта чорлайдиган, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган муҳдиш хавф-хатарни англатади.

Бугунги кунда замонавий болалар ва ўсириллар орасида “квадробика” деган субмаданият шаклланмоқда. Унинг домига илминлар нарқоб ва костюмлар кияди, худди ҳайвон каби тўрт оёқ билан ҳаракат қилади, вовуллади ёки миёвлайди, баъзида эса одамларга ҳам ҳўжум уюштиради. Оммавий ахборот воситаларида квадерберлар оғоҳ бўлишга қақирляпти ва улар қўллаб мамлакатлардаги жамиятларни хавотирга солмоқда.

Квадерберлар ўзи ким? Улар, асосан, ҳайвонларнинг одат ва ҳаракатларига тақлид қилувчилардир. Улар маълум ҳайвон, масалан, қучук, мушук, маймун қабилини акс эттирувчи аксессуар ва кийимлар билан, дум, қулоқ, панжалар қўлоқ ва ниқоблар тақиб, одамлар орасида ўша ҳайвоннинг ҳаракатлари билан намоён бўлади.

Мутахассислар фикрига қўра, ҳайвонларга тақлид қилиш гарбий субмаданият остида оммалашмоқда. Квадерберлар бошқа мамлакатларда турли фестиваль ва тадбирларда чиқиш қилган бўлса, бугунги болалар ва ўсириллар ўзининг мулоқот доирасини ҳам шу усулда шакллантириб, дўст орттиришга уринмоқда.

Шубҳасиз, квадробиканинг бирданига оммалашуви жиддий ташвишланишга етарлича асос бўла олади. Қўча-қўйда, оммавий манзилларда ҳайвон тусидаги ўсирилларнинг гайритабиий қилиқлари квадробика ҳақида боланинг инсонни чўчитиб, унга руҳий зарба бериши, қўриқ кетган киши эса квадроберга бехос жисмоний зарар етказиб қўйиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Жамиятда ҳар томонлама турлилик бўлиши табиий, албатта. Бироқ бола ўзини омма олдида ҳайвон кўринишида талқин этишининг сабаби, оила аъзоларининг бунга муносабати, қандай рози бўлганими, унинг руҳиятида нималар юз бераётганини ўйлашнинг ўзи динли хира қилади.

Ҳақиқатан ҳам, ўсмирлик даврида ҳали “ўзини” топиб улгурмаган болаларда атрофдагилардан, айниқса, ижтимоий тармоқлардан намуна олишга мойиллик юқори бўлади. Шу боис руҳунослар боланинг эркинлигини, айниқса, ўсмирлик давригача бўлган муддатда назоратда тутиб, вақтини фойдала машғулотларга йўналтириш зарурлигини таъкидлайди.

Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли шахсина ўз қадрини билиши, миллий қадриятларни, ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойийлик билан кураша олиши мумкин.

Биз ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, аввало, уларнинг қалби ва онига мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан ҳамнафас қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.

Янги Ўзбекистонимизни барпо этишда маънан соғлом, жисмонан бақувват ёшларни тарбиялаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Муродбек РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жижза вилояти Кенгаши раиси, халқ депутатлари Жижза вилояти Кенгаши депутати.

АСРЛАР ТЎФОНИДАН ОМОН ҚОЛГАН МИНОРА

Сурхондарёнинг тарихи жуда бой. Асрлар давомида бу замин археологлар, тарихчилар ва бетакорр архитектуранинг севувчи сайёҳларни ўзига мафтун этиб келади. Биз Жарқўрғон минораси тарихига қизиқиб, бу заминда яна бир катта ҳазина мавжудлиғига амин бўлдик. Ушбу обида тарихининг бошланиши буюк салжуқий султонларидан бири бўлган Султон Санжар ҳўкмронлиғи даврига тўғри келади.

Мозийга боқиб...

Хўш, Жарқўрғон минораси қайси жиҳатлари билан эътиборимизни тортади? — Сурхон воҳасидаги қадимий обидалардан бири — бу Жарқўрғон минораси, — дейди тарихчи Ҳасан Саидов. — У Қумқўрғон ва Термиз туманлари ўртасидаги Минор қишлоғида жойлашган. Иншоот пештоқида сақланиб қолган ёзувлар унинг 1108-1109 йилларда қурилганидан далолат беради. Минора асосида меъмор номи Али ибн Муҳаммад Сараҳсий ва у барпо этилган сана эзилган. Шунингдек, обиданинг тепа қисмидаги китобада “Басмала”дан сўнг Курьони Каримнинг “Тавба” сураси 18-оятининг бир қисми қуфий хатида битилган. У археолог ва шарқшунос олим Василий Шишкин томонидан ўқилган. Миноранинг ўмумий баландлиғи 50 метрга

яқин бўлиб, ҳозир унинг омон қолган қисми 21,6 метрни ташкил этади. Жарқўрғон қадимий архитектурасининг бу намунаси қурилишида оддий гишт, равоқлар ва эпиграфик хошиялар жуда усталик билан қўлланилган. Миноранинг асоси 8 қиррали баланд курсига ўрнатилган. Ҳар бир қирранинг марказида равоқли тахмончалар ишланган. Ана шундай тахмончалардан бирида жойлашган эшик орқали ички қисмдаги айланма зинага чиқилган. Барча минора каби Жарқўрғон обидаси ҳам гўмбазсимон муаззинхона билан ақунланган.

— Жарқўрғон минораси меъморий-бадий ечими билан Марказий Осиёда ноёб тарихий иншоот саналади, — давом этади тарихчи. — У ноодатий декоратив безак билан безатилган. Гиштарнинг маҳорат

билан арча нақшида терилганлиги чамбарчаслик касб этган. Куйидан қарасангиз, унинг гиштарли мато каби кўринади. Минора бири-бирига улашган ўн олти ярим устундан иборат. Бу безак кўпроқ Шимолий Ҳиндистонда қўлланилган. Шунингдек, Хуросон минораларига ҳам яқин туради.

Иншоотнинг силжиган ўқи туфайли у туғалланмаган ёки қисман вайрон бўлган деб тахмин қилинади. 1879 йили яқин атрофда қадимий масжиднинг харобалари топилган. Бу меъморий қурилиш алоҳида амалга оширилганидан далолат беради. Минорага нима бўлганлиги ва нима учун масжид вайрон қилинганлиги тўғрисида тарихчилар бир фикрга кела олмаган. Янги иморат қуриш учун бинолар бузилган, деган тахминлар ҳам бор.

Мустақиллик йилларида юртимизда тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишлари давлат сиёсати даражасига қўтарилди. Шулар қаторида Жарқўрғон минораси ҳам таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. У ўз таровати билан ҳар қандай сайёҳни ҳайратга солиши, шубҳасиз. Заминимизда ана шундай бебаҳо



обидалар, юксак меъморчилик намуналари борлиғи бизни гоят қувонтирди.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Янги Ўзбекистон китоб ва кутубхонадан бошланади» номли қардош халқлар ёзувчи ҳамда шоирлари китоблари кўргазмаси ташкил этилди.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши	Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини ўқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-5
---	--